



halol.uz

Россия «халол» сарделькаларида чўчка оксили аниқланди

Россияда таркибида чўчка гўшти бўлган махсулотга "халол" деган ёзувни қўллаган гўшт ишлаб чиқарувчи томонидан яна бир инсофсизлик ҳолати кайд етилган.

Мусулмонлар томонидан сотиб олиш учун тавсия этилмаган махсулотларнинг "қора рўйхати" га Орск гўшни қайта ишлаш заводининг "мусулмон" сарделькалари киритилган. Харидор олдида ишончли халол махсулот борлигига шубҳа қилмаслиги учун ишлаб чиқарувчи ёрликда "Нура" ёзуви туширилган кичик логотипли масжидлар тасвири туширилган бўлиб, бу махсулотнинг "мусулмон" махсулот линиясига тегишли эканлигини кўрсатарди. Нихоят, завод гоёсига кўра, барча шубҳалар "халол-Бошқирдистон" корпоратив логотипини кўргач, гойиб бўлиши керак эди.

Эҳтимол, сарделька таркибида чўчка элементларининг мавжудлиги касддан қилинган

эмас ва гап шунчаки ишлаб чиқарувчи томонидан оддий нодонлик хақида бормокда. Бундан ишлаб чиқарувчининг махсулот таркибида чўчка оксили мавжудлигини яшиширшга уринмагани ва у таркибий қисмлардан бири сифатида очик-ойдин кўрсатилган.

Шунингдек, «халол» сертификати бериш билан шугулланувчи органлар қаёкка караган, деган савол тугилади. Қанча мусулмон харидор вазиятнинг қурбониға айлангани хақида факат тахмин қилиш мумкин.